# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА





Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Азизхон Қаюмов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан илмий-амалий конференция ва китоблар кўргазмаси булиб утди. Унда адабиётшунос, навоийшунос, тилшунос олимлар, адиблар, шогирдлари, яқинлари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Азиз Қаюмов 1926 йили Қўқонда туғилган. Ўрта Осиё давлат университетининг шарқ факультетини тугатгач, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида илмий ходим, Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти директори, Ўзбекистон Кинематография давлат қўмитаси раиси, Тошкент маданият институти ректори, Ўзбекистон ФА Қўлёзмалар институти директори лавозимларида ишлаган. 1998 йилдан Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида етакчи илмий ходим булиб ишлайди. 10 жилдлик асарлари ва унинг раҳбарлигида “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси” нашр қилинди. “Шуҳрат” медали ва “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби.



Конференцияда Азиз Қаюмовнинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, матншунослик, ўзбек кинематографияси, маданият ва маърифат каби соҳаларда илмий ва ташкилотчилик фаолияти бўйича маъруза ва бошқа чиқишлар бўлди.

**Саҳифани Ҳасан Абдуназаров тайёрлади**